

---

## СҮХ ТУМАНИДА СЕЛ ЙҮЛЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Сүх туманида сел йўлларини тозалаш ишлари олиб борилмоқда

Сўх туманидаги тоғолди ҳудудларида ёз фаслида табиий оғатлар юзага келиши эҳтимоли жуда катта. Айниқса, сув тошқинлари, сел келиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлар талайгина.

Ленбур маҳалла фуқаролар йиғини ҳам тоғ ён бағрида жойлашган маҳалла бўлиб, турли табиий оғатларни олдини олиш мақсадида ушбу маҳаллада сел йўли барпо этилган. Фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган ишлар маҳаллада аллақачон бошлаб юборилган.

Маҳалла раиси Ғайратжон Неъматовнинг сўзларига кўра, айни кунда маҳалланинг Шўрбулоқ сел йўлида тозалаш ишлари бошлаб юборилган. Мазкур ишларга туман фавқулодда вазиятлар бўлими тарикибиға кирувчи ҳамкор ташкилотларнинг махсус техникалари жалб этилган.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2023-03-24 15:23:45